O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 3 FEVRAL ◆ SHANBA ◆ № 16 (26.718)

# ЁШЛАР — МАМЛАКАТ УМИДИ, МИЛЛАТ ТАЯНЧИ

## БУГУНГИ КУН ҚАҲРАМОНИ БИЗ БЎЛАЙЛИК

«Камолот» жамғармасини ёшлар ижтимоий ҳаракатига айлантириш ҳақидаги ташаббус бугунги ҳаётимиздаги энг асосий масалалардан бири ҳисобланмоқда.

Шу беш-олти кун давомида барчанинг қулоғига таниш бўлиб қолган «Нима учун «Камолот» жамғармаси ўз олдига қўйган мақсадларини тўлақонлигича амалга ошира олмади?», деган саволга шундай жавоб берардим.

Бунга аввало, ўзимиз айбдормиз. Айтинг-чи, нима учун биз «Камолот»ни ўз вақтида танишда ўзимизда имкон топа олмадик? Нега «Камолот» идораларига бориб, «Камолот, сен менинг истиқболим учун яратилгансан ва келажагим учун хизмат қилишинг керак», дея таклиф ва ташаббусларни олиб чиқа олмадик.

Аслида, «Камолот» жамғармасининг мақсади бизнинг мақсадимиз, орзуларимизни амалга ошириш унинг вазифаси эканлиги ёдимиздан кўтарилган эди-ку.

Айтмоқчиманки, яхши ният билан тузилаётган ёшлар ижтимоий ҳаракати равнақи учун бир-биримиз билан ҳамфикр ва ташаббускор бўлайлик.

Президентимизнинг «бугунги кун қаҳрамонлари қани?» деган саволларига биримиз олис қишлоқдан туриб, яна биримиз Европанинг нуфузли аудиторияларида ўтириб ва яна биримиз мактаб партасида қўлимизни баланд кўтарган ҳолда «мана биз» дея жавоб берайлик.

**Ҳусниддин НУРОВ,**
**ЎзДЖТУ талабаси**

## ИНТИЛИШ ЧЕГАРА БИЛМАЙДИ

Юртбошимизнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббус гуруҳи билан учрашувда сўзлаган нутқини ўқиб жуда мамнун бўлдим. Чунки биз ҳам мактабда ўқиб юрган кезларимизда «Камолот» жамғармаси борлигини билардик, аммо, унинг таъсирини кам сезардик. Ҳозирги кунда қишлоқларда йигит-қизларнинг маълум қисми ишсиз. Ичкиликбозлик, қиморбозлик, гиёҳвандлик каби унсурлар шу бекорчилик сабабли келиб чиқмоқда.

Президентимизнинг «Ёшлик интилишлари чегара билмайди», деган сўзлари биз ёшлар кўнглидаги гапдир.

Ёшларимизнинг орзу-умидларини амалга оширишда кўпни кўрган катталар бош-қош бўлсалар бас.

Ахир, гул ҳам гулдаста орасида чиройли кўринади. Ниҳолни боғбон яхши парвариш қилса, барқ уриб ўсади.

Демак, биз ёшлар ҳам бир ниҳолмиз. Боғбонларимизнинг тажрибалари бу борада қўл келади. Боғбонсиз қолган боғ хазонга айланади. Таклифим шуки, ташкил этилаётган ижтимоий ҳаракат томонидан тез-тез тадбирлар уюштирилса, ёшларга топшириқлар берилса ва натижалари доимий кузатиб борилса Президентимиз таъбири билан айтганда: «ёшларга биринчи навбатда нима керак? Эътибор керак».



Биз ёшлар ҳам адолат устувор бўлган эътиборга муҳтожмиз. Агар эътибор яхши бўлса, яратилаётган имтиёз ва имкониятлардан оқилона фойдаланиб, жамият учун бир оз бўлса-да фойда келтирамиз.

Келажак ёшларники. Ота-боболаримиздан қолган маданий меросларни биздан кейинги авлодга етказишга ҳаракат қилишимизда ҳам устоз ва мураббийларнинг роли катта. Янги уч минг йиллик ёшлар ўртасида бирдамлик, ҳамфикрлик ва ёрқин келажак асри бўлиб қолади. Юртимиз олдида турган масъулиятли, аммо шарафли ишларда, юртбошимизга мададкор бўламиз, деган умиддаман.

■ **Нигора ЎРОЛОВА,**
**«Қаламкаш» тингловчиси**

## ҲИНДИСТОНГА ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ ЖЎНАТИЛДИ

Ҳиндистон Республикасининг Гужарат штатида шу йилнинг 26 январь куни кучли зилзила рўй берди. Дунё аҳли сўнгги 50 йил мобайнида оқибат кўлами жиҳатидан бундай катта табиий офатни кўрмаган эди. Ҳалок бўлганлар, жабрланган ва бошпанасиз қолганлар ўнлаб минг кишини ташкил этмоқда. Айни пайтда бизга дўст давлат — Ҳиндистон халқи улкан маънавий ва моддий йўқотишларни бошдан кечиряпти. Вайронага айланган шаҳар ва қишлоқларда чодирлар, дори-дармон, ичимлик суви ва озиқ-овқат етишмаяпти.

Ўзбекистон аҳли ушбу мудҳиш зилзила ва инсонлар ҳалокати ҳақидаги хабарни чуқур ҳамдардлик билан қабул қилди. Президент Ислом Каримов халқимиз ва ҳукуматимиз номидан ҳалок бўлганлар ва жабрланганларнинг оила аъзоларига, қариндош-уруғларига ҳамдардлик билдирди.

Дўст кулфатда билинади, деб бежиз айтилмаган. Ҳукуматимиз 1 февраль куни Ҳиндистон аҳолисига инсонпарварлик ёрдами ажратиш тўғрисида махсус фармойиш чиқарди. Жўнатилаётган инсонпарварлик ёрдами жабрланганларга биринчи навбатда зарур бўладиган чодирлар, замбиллар, кўрпа-тўшак, ётоқ анжомлари, турли матолар, бир маротаба ишлатиладиган система ва шприцлар, энг зарур дори-дармон, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотларидан иборат. Ҳалокат рўй берган ҳудудда ичимлик суви ниҳоятда танқис бўлиб турганлиги ҳисобга олиниб, 5 тоннадан ортиқ қадоқланган маъданли булоқ суви ҳам жўнатилди. Ҳиндистонга жўнатилган юкнинг асосий қисми — озиқ-овқат, дори-дармон ва бошқа зарур анжомлар Ўзбекистоннинг ўзида тайёрланган.

Инсонпарварлик ёрдами 2 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги вакиллари томонидан Гужарат штатининг Аҳмадобод шаҳри аэропортига етказилди.

— Ҳукуматимиз ва халқимиз Ўзбекистонни ҳар доим ўзига дўст билган, — деди Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Бхаскар Кумар Митра Тошкент аэропортида инсонпарварлик ёрдамини жўнатишга бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида. — Мамлакатимизда юз берган табиий офат оқибатларини бартараф қилишда ҳукуматингиз кўрсатаётган ёрдам ана шу азалий дўстлигимиз мустаҳкам эканини яна бир бор исбот этди. Ўзбекистон ҳукумати, хусусан, Президент Ислом Каримов ва халқингиздан бизга кўрсатилаётган беғараз ёрдам ва ҳамдардлик учун беҳад миннатдормиз.

■ **(ЎзА)**

## МЕНИНГ 10 ЙИЛЛИГИМ

## ЮРАГИМГА ЯҚИН КИШИЛАР

**Назмия МУҲИДДИНОВА,**
**СамДУ академик лицейи ўқувчиси**



***1991 йил.*** Мен Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини мактабнинг 2 синфида ўқишни бошлаганимда кутиб олдим. Илк шеъримни ҳам худди шу йилда «Ватан» номи билан ёзган эдим. Оиламиз даврасида бот-бот бобокалонларим илмли, зиёли, диний эътиқодлари бўлганлиги учун мустабид тузум томонидан қатағон қилинганлиги айтиларди. Лекин улар ўзлари танлаган йўлларидан оғишмай, эътиқодида собит қолишган. Шундан бўлса керакки, Истиқлол бизни қонимизда бўлган қўрқув иллатларини парчалаб юборди. Ўтмиш ҳақида фахр туйғуси ила келажакка умид руҳида бемалол фикр айтиш мумкин.

***1992 йил.*** Мен 3-синфда таҳсил олаётган кунларимда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди. Илк бора муаллимимиз бизга илм олиш ҳуқуқи ҳақида гапирдилар. Шунда менинг кўнглимдан шундай ўйлар ўтди. Демак, мустақил давлатнинг ҳар бир аъзоси ҳуқуқ ва бурчга эга.

***1993 йил.*** Шу йили биз болалар учун қувончли воқеа юз берди. Ўзбекистон Республикаси Президенти «Соғлом авлод учун» орденини таъсис этиш тўғрисида» фармон чиқарди. Ушбу орден мустақил давлатимизнинг илк ордени бўлиб, у ёш авлод тарбияси билан шуғулланаётган фидойи инсонларга берилади. Ўз умрини болаларга бахшида этган ҳазрати инсонлар кўксидаги орденда она ва бола тасвири туширилган. Менда ҳар гал уни тақиб юрган кишиларни кўрганимда уларга нисбатан ҳурмат туйғуси пайдо бўлади.

***1994 йил.*** Мактабимизда ўтказилган иншолар танловида иштирок этиб Ўзбекистон халқ шоираси Зулфиянинг «Ўғлим, сира бўлмайди уруш» номли шеъри асосида ёзган «Тинчлик гимни» сарлавҳали иншом фахрли ўринлардан бирини эгаллади.

***1995 йил.*** Кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқандда шаҳарнинг 2525 йиллигига бағишланган шаҳар кунлари ўтказилди. Шундай табаррук заминнинг фарзанди бўлганим учун фахрландим. Дунёдаги халқлар бир кўриш орзусидаги бу масканнинг ҳар бир ғиштини кўз қорачиғидек асрамоғимиз зарур. Мўйсафид шаҳар биз фарзандларни қўлларимиздан ушлаб юксакликка элтаётгандай бўлиб туюлади.

***1996 йил.*** Буюк Соҳибқирон бобомиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан ўтказилган «Сиз ўтмишни биласизми?» танловида қатнашдим.

***1997 йил.*** Хаёлимдан шундай ўйлар ўтди. Ватан мустақиллигига, ободлиги-ю гуллаб, яшнашига менинг ҳиссам қай даражада бўлмоқда? Ушбу савол ҳар биримизнинг мақсад-муддаомиз, бурчимизга айланмоғи зарур экан.

***1998 йил.*** Президентимизнинг таълим тизимини ислоҳ қилиш натижаларининг меваси бўлган — янги замон илм масканлари миллатнинг ҳур болаларини ўз бағрига олди. Мен ҳам Самарқанд вилоят ҳокимлиги ўрта махсус, касб-ҳунар бошқармаси тасарруфидаги СамДУ академик лицейининг биринчи курсига тест синови орқали қабул қилиндим.

***1999 йил.*** Бошқарма томонидан ташкил этилган, «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз» мавзуидаги иншолар кўрик-танловида иштирок этиб, республика босқичида ғолиб чиқдим ва вазирликнинг фахрий ёрлиғи билан тақдирландим.

***2000 йил.*** Ҳаётимда унутилмас воқеа юз берди. XX аср ўзбек шеъриятининг маликаси, тинчлик ва дўстлик куйчиси, ўзбек аёллари учун ўрнак ва садоқат тимсолига айланган Зулфия номидаги Республика Давлат мукофотига таълим соҳаси йўналиши бўйича номзодим қўйилди. Мен учун муҳими мукофотни олиш эмас, балки муҳтарам Президентимиз томонидан ёшларга бўлаётган эътибор қалбимда фахр ҳиссини уйғотганидир.

***2001 йил.*** Мақсадим — лицейни тугатиб олий ўқув юртига кириб ўқиш. Янги мингйилликни қувонч билан кутиб олдим. Сурурли кунларда илк шеърий тўпламимни ўқувчилар ҳукмига ҳавола этдим. Биз ёшларнинг Ниҳол орзулари дарахт бўлмоғига умид қиламан. Истиқлолни севувчи, уни юрагига жо этганларни эса «Юрагимга яқин кишилар», дегим келади.

## ХАВОТИР

## ВАҚТИНЧАЛИК УНУМДОРЛИК ЎЗ ЙЎЛИГА ЁХУД ЕРГА НИСБАТАН ХИЁНАТ

Юртимизнинг экинзор ерлари ҳақида мулоҳаза юритишдан олдин қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Қурбон Розиқовнинг «Алмашлаб экиш самараси» («Ўзбекистон овози», 2000 йил 21 ноябрь) мақоласида келтирилган қуйидаги далилларга мурожаат қилмоқчи эдим: «Шўролар даврида бир гектар суғориладиган ерга солинган кимёвий оғуларнинг миқдори қуйидагича эди:

Америка Қўшма Штатларида — 1 кг.

Собиқ СССР республикаларида — 2 кг.

Ўзбекистонда — 53,5 кг».

Юрт тупроғи ҳақида оз бўлса-да, ўйлайдиган кишини бу рақамлар даҳшатга солиши табиий.

Умуман собиқ иттифоқдаги икки кўрсаткич — 2 кг. ва 53,5 кг.ни солиштиришнинг ўзиёқ ер тақдири ҳақида кескин хулосалар чиқариш ва қатъий чегараланган тартибда иш юритишни талаб этади.

Бироқ, яқинда фермер дўстим билан бўлган мулоқотда ташвишли бир ҳолатни кузатдимки, бу кўп ҳолларда саховатли тупроғимиз ҳамон топталаётганидан гувоҳлик беради.

Хуллас, муаммо нимада?

Шахсан ўзим собиқ совет даврида ҳали мактабда ўқиб юрган пайтларимизда пиёз теришга сафарбар қилинганимизни яхши эслайман. Ҳар битаси деярли ярим кило тош босадиган пиёзларнинг қандай етиштирилганини эса бугун афсус билан англамоқдаман.

Фермер хўжалигини бошқараётган дўстимга ер ижараси учун катта фойда таклиф қилишган, аммо у кўнмаган. «Чунки, — деб тушунтиради у, — ерга икки ёки уч йил мунтазам пиёз экилгач, шу давр мобайнида муттасил кимёвий дорилар солиб турилгач, яқин ўн йил ичида бундай ердан унумли ҳосил олиш жуда мушкул».

Ҳақиқатда, асосан пиёз етиштириш билан шуғулланувчилар фаолиятини кузатсак, уларнинг муқим бир жойда деҳқончилик қилмасликларига гувоҳ бўламиз. Нари борса бир жойда икки ёки уч йил ишлашлари мумкин. Кейин эса ер эскиради, қўполроқ айтганда, ер «зўрланиб» бўлинади. Навбат янги, унумдор ерларга келади. Ер ижараси учун яхши ҳақ тўлашлари янги муаммони осонгина ҳал этади. Тажрибали деҳқонларнинг фикрича, пиёз ҳар қандай дорисиз ҳам ернинг кучини бошқа ўсимликларга қараганда кўпроқ «шилади». Бунинг устига, бу усулда умуман маҳаллий ўғит — ерга табиий куч берувчи гўнг ишлатилмайди. Аксинча, бегона ўтларни ўлдириш учун кимёвий оғу сепилади.

Хуллас, агар бу усул айланма равишда вилоятларимиз бўйлаб қўлланилаверса, республикамиз экин майдонларида кимёвий оғуларнинг ишлатилиши юқорида келтирилган кўрсаткичга яқин келиб қолиши аён. Тўғри, пиёз халқ истеъмоли учун ўта зарур маҳсулот. Бироқ бу муаммо учун тўсиқ бўлолмайди. Демоқчимизки, ерга ишлов беришнинг бу усули қатъий назоратда бўлиши лозим. Акс ҳолда биз яна бир марта ўз еримизга нисбатан хиёнатга йўл берамиз.

Умид қиламизки, бу ҳақда қишлоқ хўжалиги мутахассислари мулоҳаза қилиб кўришади ва қатъий хулосалар чиқаришади.

Зеро, бир нарса аниқки, ер — халқнинг, миллатнинг бойлиги. У келажак авлодларга ҳам шу тариқа етказилиши лозим. Акс ҳолда ерларимизнинг мелиоратив ҳолати бундан-да ёмонлашиб бораверади.

■ **Малик МАНСУР,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

### МУТАХАССИСЛАР ФИКРИ

**Ҳақиқатда, республикамиздаги унумдор ерлардан кўп ҳолларда ижарачилар фойдаланишмоқда. Бунга вилоятларда гувоҳ бўлганмиз. Маълумки, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишда азот-минерал ўғитлар катта самара беради. Айниқса, полиз экинлари, жумладан, пиёз экишда бу нарса яққол кўзга ташланади.**

**Лекин тупроқда селитрага айланган азот маълум бир микробиологик жараёнлар туфайли ҳавога газ ҳолатида — окс ва закс шаклларда учиб чиқади. Бу, биринчидан ҳавони ифлослантирса, иккинчидан атмосферадаги озон қатламини парчалайди. Озон қатламининг бузилиши эса қуёшдан келаётган ультрабинафша нурларни ерга ўтказиб юборади. Бу тери-рак касалига сабаб бўлиши мумкин.**

**Тажрибаларда шу нарсага гувоҳ бўлганмизки, пиёз экишда ижарачи деҳқонлар кимёвий дориларни ўсимлик устига сепишади. Бевосита сабзавот устига сепилган ўғитнинг зарарини тасаввур қилиш қийин бўлмаса керак. Сувнинг ҳафта мобайнида жилдиратиб оқизилиши эса нитратнинг ювилиб, ариқлардаги ичимлик сувларнинг ҳам ифлосланишига олиб келади. Ёввойи ўтларни ўлдиришда ишлатиладиган гербицидларнинг сепилишини мутлақо оқлаб бўлмайди. Экин майдонида керагидан ортиқ нитрат-селитра қолиши натижасида унумдорлик пасаяди, ернинг экологик саломатлиги ва маҳсулот сифати бузилади.**

**Пиёз етиштиришда ер майдонларининг минерал ўғитлар билан аёвсиз бойитилиши, айниқса, бу ҳолатнинг муттасил янги унумдор ерларга кўчиб юриши зудлик билан хулосалар чиқаришни талаб этади.**

■ **Туроб ҲОЖИЕВ,**
**қишлоқ хўжалик фанлари доктори**

***

**Ҳозирги кунда экологик тизимни ифлослантиришда хлорорганикли пестицидларнинг роли борлиги аниқ далилий ашёлар билан исботланган ҳол бўлиб, бунда, аввалгидек, жиддий экологик муаммоларни юзага келтирувчи заҳарли моддалардан бири ДДТ ҳисобланади.**

**Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш натижасида турғун хусусиятли препаратлар ДДТ ва уларни метаболитлари (омухтаси) бўлмиш ДДЕ, ДДД, ГХИГ, симазин ва шунга ўхшашларнинг қолдиқлари билан тупроқ ифлосланиши кузатилган. Бундай ташвишли ҳолат, айниқса, Тошкент вилоятидаги тупроқларда алоҳида ўрин тутади.**

**Кўп йиллик изланишлар натижасида тўпланган маълумотларга кўра, кузатилган барча туманлардаги тупроқлар амалда пестицидлар — заҳарли моддалар қолдиқлари билан ифлосланган.**

**Тошкент вилоятидаги ерларда ГХИГнинг тупроқдаги ўртача концентрацияси меъёрдан юқори.**

**Масалан, Чиноз тумани «Чиноз» жамоа хўжалиги даласидан олинган беда хашагининг таркибидаги ДДТ миқдори 0,069 мг/кг. ташкил этди. Ваҳоланки, унинг йўл қўйилиши мумкин бўлган даражаси 0,05 мг/кг.га тенгдир.**

**Қибрай тумани «Турон» жамоа хўжалигидан олинган маккажўхори донидаги, пиёздаги, Бўстонлиқ тумани «Парвоз» жамоа хўжалигидан олинган помидор ва пиёз намуналаридаги ДДТнинг миқдори йўл қўйилиши мумкин бўлган даражадан юқоридир.**

**А. ПРИМҚУЛОВ, Ф. АШУРМЕТОВА,**
**қишлоқ хўжалиги фанлари номзодлари**

## БАНКДА МУЗЕЙ ОЧИЛДИ

Ҳамма соҳада бўлганидек, банклар ҳам ўзининг узоқ йиллик тарихи, анъаналарига эга. Бу хизмат турининг дастлабки қадамлари, Ўзбекистонда илк бора банкларнинг ташкил топиши, истиқлолдан сўнг уларнинг ривожланиши — буларнинг бари яқинда республика «Пахтабанк»ининг Фарғона вилоят бошқармаси биносида очилган музейда ҳам ўз аксини топган. Дастлабки даврларда банкларнинг фаолиятини усиз тасаввур этиб бўлмайдиган сиёҳдон, ёрлиқ эритгич, тошфонар, танга санайдиган илк машиналар, банклар тарихига оид ёзма ҳужжатлар, банк фахрийлари суратлари ва улар ҳақидаги маълумотлар томошабинларда катта taассурот қолдирмоқда.

Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган экспозицияда эса ўтган йиллар давомида иқтисодиётимизнинг қон томири бўлган банк тизимининг тараққиёти ёрқин мисоллар, ҳужжатлар, экспонатларда кўрсатиб берилган.

Фарғоналик банк хизматчиларининг ушбу ташаббуси банк тизимининг юрт равнақидаги беқиёс ўрни борлигидан ёрқин далолатдир.

■ **Алишер ИБОДИНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

# ЁШЛАР КЛУБИДА БАҲС

ХДП Наманган вилоят кенгаши қошида тузилган «Ёшлар клуби»нинг навбатдаги машғулоти бўлди.

Машғулот ёшлар масалаларига, «Камолот»нинг келгуси тақдирига бағишланди. Наманган давлат университети профессори, фалсафа фанлари доктори М. Нишонов Президент ташаббуси билан ўтказилган ёшлар масаласига оид анжуман тафсилотлари ҳақида маъруза қилди.

Партиямиз ёшларга таянади. Ёшлар ишончли ворис. Баски улар ҳақида, ташкилот такомили тўғрисида жон куйдириш республикамиз етакчи партиясининг масъулиятли вазифасидир, деган хулосага келинди машғулотда.

Машғулотни ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби М. Абдуллаева олиб борди.

■ **Маҳмуджон ПАРПИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

# ВАТАН ҲИМОЯСИ — МУҚАДДАС

Ватан ҳимояси ҳар бир йигит кишининг она-юрти олдидаги муқаддас бурчидир. Шу муносабат билан «Ватан ҳимояси — барчамизнинг муқаддас бурчимиз» шиори остида ЎзХДП Собир Раҳимов туман кенгаши томонидан тадбир уюштирилди. Унда Собир Раҳимов туман ҳокимлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, туман мудофаа бўлимининг вакиллари ўзларининг шарафли конституцион бурчларини адо этишга шайланган укаларимиз таклиф этилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ҳозирги кунда армиямизда олиб борилаётган каттаислоҳотлар тўғрисида, миллий ғоя, миллий мафкурамизни ёшлар онгига сингдириш йўллари ҳақида сўзладилар.

■ **Абдурашид РАСУЛОВ, ЎзХДП Собир Раҳимов туман кенгаши ходими**

# МАРКАЗ ИШГА ТУШДИ

*Усмон Юсупов тумани Маҳтумқули номидаги жамоа ширкат хўжалиги ҳудудидаги «Вори» қишлоғида 3500 аҳолига хизмат кўрсатадиган қишлоқ врачлик маркази ишга тушди.*

*Мазкур тиббиёт масканини бунёд этишда 3 миллион сўмдан зиёдроқ қурилиш монтаж ишлари амалга оширилди. Бунда Шаҳрисабз туманидаги «Мўъжизакор» жамоа корхонаси бунёдкорларининг ҳиссаси катта бўлди.*

*— Шаҳрисабзлик уста Нажмиддин Норов бошлиқ бунёдкорларнинг қўллари гул экан, — дейди хўжалик бошқаруви раиси Нуриддин Сатторов.*

■ **Илҳом КАРОМОВ**



# МУМТОЗ ҚОШОНА



Болаликда кўрганим хотирамда муҳрланган. Урушдан кейинги йиллар эди. Себзор томондан ғалати товуш келарди. Бундай сас Тарновбоши бекатига яқинлашганда улар бир гуруҳ одамлар экани аён бўлди. Атрофни нотаниш овоз тутарди. Ҳайрон бўлиб турганимда катта ёшдагилар: «булар японлар» дегани қулоғимда қолган. Энди билсам, улар иккинчи жаҳон уруши охирида Узоқ Шарқда бошланган босқинчилик туфайли асирга тушган аскарлар экан.

Уларнинг аслида ким бўлганликлари, Ўзбекистон пойтахтида нима билан шуғулланганликлари билан қизиқдим. Аён бўлишича, ўша япон йигитлари бугунги кунда шаҳримиз кўрки бўлиб турган ажойиб театр биносининг қурилишида қатнашган экан. Албатта, улардан бир қисми ҳаёт билан видолашган. Хилхонаси Яккасарой қабристонидан макон топган. Ўрнатилган мармар лавҳачага «Урушмасликка қасамёд қиламиз! Мангу дўстлик ва тинчлик» деган ёзувлар битилган. Ўзбекистон — Япония дўстлик жамияти томонидан тикланган ўзига хос эсдалик масканини ҳанузгача ўша японларнинг келиб, руҳларини шод этиб туриши инсонга хос оқибатнинг тимсоли, десак муболаға бўлмас.

— Ҳақиқатан ҳам, театримизни тиклашда ўзларининг муносиб улушларини қўшган япон қурувчиларидан ҳаёт қолганлари ҳар икки йилда бир марта келиб, санъат кошонасининг бошидан охиригача яна бир бор зиёрат қиладилар, қабристонга бориб ўз ватандошларини йўқлайдилар, — дейди Алишер Навоий номидаги ўзбек давлат академик катта театр директори, таниқли санъаткор Бернора Қориева. — Тонготар мамлакат халқининг ўзига хос хислатларидан яна бири яхшиликни унутмаслик, дўстлик ва тинчликка садоқатдир. Япониянинг қарийб 500 минг АҚШ доллари қийматига тенг саҳна ускуналарини саховат тарзида инъом этишлари ҳам ана шундан деб биламан. У ёғини сўрасангиз, театримиз биносини том маънода мумтоз кошона деб атаса арзийди. Боиси, бино лойиҳасини чизган ва жой танлаган муаллиф ўз меҳнатини санъат даражасига кўтарганки, мана ярим асрдан ошиқроқ вақтдан бери бино қилт этмай, ўз савлатини кўз-кўз қилмоқда, атрофи эса ободонлашмоқда. Назаримда лойиҳа муаллифи опера ва балет санъати ҳар бир мамлакатнинг дунёвий тараққиёт сари интилишининг ўзига хос тимсоли эканини яхши англаган. Бинонинг мумтозлиги шундаки, унинг кўринишдаги ўзига хос шарқоналик билан замонавий услубнинг уйғунлиги мужассамлашган. Шунинг учун ҳам бу театрда миллий санъатимизни замонавий, тўғрироғи жаҳоний мақом олиш йўлида бардавом саъй-ҳаракатлар қилинмоқда, эришилган ютуқлар ҳам шунга яраша.

— Ўзбек театри санъатининг ривожи узоқ ўтмишга бориб тақалади, — дейди театр бош муҳандиси Адҳам Қорабоев. — Мен театрнинг босиб ўтган йўли, ижодий равнақи, санъаткорлар маҳоратию сафи ҳақида тўхталмоқчи эмасман. Мени бир нарса ҳайратга солмоқда. У ҳам бўлса, узоқ йиллардан бери замон ўз изини қолдирган, яъни бинонинг ташқи ва ички қиёфасини қурум босиб, кўримсиз ҳолатга келган бир пайтда мустақиллик шарофати билан санъат кошонаси таъмирланиб, асл ҳолига келтирилмоқда. Ҳар бир ғишт ёки мармар устунларни пардозлашга, оқлашга киришганмиз. Ўйлайманки, истиқлол байрами арафасида театр ҳар жиҳатдан асл қиёфада кўриниш олади.

Театр биносининг ташқи деворида зарбона ҳарфлар битилган учта лавҳа бор. Уларда шундай сўзлар ёзилган:

«Алишер Навоий номидаги театр биноси А. В. Шусев лойиҳаси ва раҳбарлигида қурилган. 1947».

«Театр қурилиши ва бинонинг ички бадиий безакларини яратишда Ўзбекистон Фанлар академиясининг фахрий академиги уста Ширин Муродов, халқ рассомлари Ч. Аҳмаров, Т. Арслонқулов, халқ усталари И. Жалилов, А. Болтаев, Б. Жўраев, Ж. Жўраев, С. Норқўзиев ва уларнинг шогирдлари иштирок этган».

«1945-46 йилларда Узоқ Шарқдан сарфарбар этилган япон фуқаролари Алишер Навоий номидаги театр биноси қурилишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишган».



Кўриниб турибдики, театр биносининг бунёд этилиши, саҳна усталарининг дунёга келиши учун кўп ва хўп ишлар қилинган. Келинг, яхшиси ўзбек опера ва балет санъатининг юзага келиш босқичларига бир назар солайлик:

1925 йил. Қориёқубов Берлин саҳнасида куйлаб, мухбирларга шундай деган: «Биз ўзимизнинг миллий опера ва балетимизни яратамиз».

1926 йил. Ўзбек опера ва балет театрига дастлабки миллий этнографик дастасини ташкил этиш билан асос солинган. Бу борада таниқли ҳофиз Қориёқубовнинг хизматлари алоҳида бўлди. Томошабинларга «Аршин мол олон», «Ҳалима» каби томошалар ҳавола этилган.

1929 йил. Театр «Ўзбекистон давлат мусиқали театри» номини олган. Энди саҳнада Тамарахоним, уста Олим Комилов, Гавҳар Раҳимова, Тўхтасин Жалилов, кейинчалик Мукаррама Турғунбоева, Розия Каримова, Исахор Оқилов, Ғулом Абдураҳмонов, Карим Зокиров, Лутфихоним Саримсоқова, Назира Аҳмедова, Шаҳодат Раҳимова сингари юлдузлар жавлон урадилар. Ҳалима Носированинг саҳнага чиқиши ҳам ўзига хос воқеа бўлди. Комил Яшин, Мухтор Ашрафий, Юнус Ражабий, Толибжон Содиқов каби ижодкорларнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Миллий асарлар — «Лайли ва Мажнун», «Гулсара», «Фарҳод ва Ширин» каби томошалар кўрсатилди.

1930 йил. Биринчи ўзбек операси «Бўрон» саҳналаштирилди.

1939 йил. 17 июнда театрга — «Ўзбек давлат опера-балет театри» номи берилди. Саҳнада «Улуғбек», «Маҳмуд Торобий» кейинчалик «Кармен», «Евгений Онегин» асарлари қўйилди.

1947 йил. Театр жамоаси ҳаётида унутилмас воқеа юз берди. Санъаткорлар жамоаси А. Шусев лойиҳаси асосида бунёд этилган янги бинога кўчиб ўтди. Энди у «Алишер Навоий номидаги давлат опера ва балет театри» деб аталди. Театр биноси қаршисида тунлари тусланувчи фаввора ҳам сув пуркай бошлади. Шеърият султонининг «Сабъаи сайёра»си асосида яратилган «Дилором» операси, кейин «Майсаранинг иши» каби асарлар қўйилдики, мухлислар сафи янада кенгайди.

1959 йил. Театр «Алишер Навоий номидаги ўзбек давлат академик опера ва балет театри» номини олди.

1966 йилдан бошлаб эса биз уни Алишер Навоий номидаги ўзбек давлат академик катта театри, деб атаб келяпмиз. Саодат Қобулова, Насим Ҳошимов, Саттор Ярашев, Галя Измайлова, Бернора Қориева, Дилбар Абдураҳмонова каби янги номлар санъаткорлар сафини тўлдирди. Жамоа опера ва балет яккахонлари, концертмейстер, хормейстер, балетмейстер, композитор, дирижёр каби саҳна усталари ҳисобига бойиди.

Театр биносига шу кунларда разм солсангиз, гўё оқ ғиштдан янгитдан барпо этилганга ўхшайди. Бўй-басти келишган, маҳобатли бинонинг кўриниши янада очилган. Бу ерда «ШАНО» фирмаси азаматлари алоҳида саъй-ҳаракат қилишмоқда. Республика маданий ёдгорликларни сақлаш бош бошқармаси театр биносини таъмирлашда катта ишларни амалга оширмоқда. Бир сўз билан айтганда, миллий маданиятимизнинг фахри ҳисобланган театр биносидаги аҳил ижодкор жамоа бундан буён ҳам мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилишга азму қарор қилган.

■ **Мирзо АНВАР**

# ТАДБИРКОР КОРХОНА ҚУРМОҚЧИ

*Узунлик тадбиркор Муродулло Мелибоев германиялик шериклар билан ҳамкорликда бир марта ишлатиладиган тиббиёт шприцлари ишлаб чиқарадиган қўшма корхона қуриш ниятида саъй-ҳаракат бошлади.*

*— Дастлабки битимлар имзоланди, — дейди М. Мелибоев. — Яқин кунларда қурилиш ишлари бошланади. Бир йилда 10 миллион дона шприц ишлаб чиқариш мўлжалланаётган ушбу корхона ишга тушгач, қишлоқ ёшларидан 150 киши иш билан таъминланади. 1 миллион АҚШ доллари эвазига бунёд этилаётган, вилоятда ягона ҳисобланган мазкур корхонада келгусида тиббиёт пахтаси, бинт ва тиббий сочиқлар ҳам тайёрланади.*

■ **Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**



# КЕЛАЖАК ОЛДИДАГИ ҚАРЗИМИЗ

Биз «Ўзбекистон овози» газетасининг 2001 йил 6 январь сонида босилган «Тарихга қарши хиёнатми, бу?..» номли мақолани диққат-эътибор ва ҳаяжон билан ўқидик. Мозийнинг энг қадим қатламларида умр сурган аждодларимиз ҳаёти, фаолияти, уй-интилишлари, маънавияти ҳақидаги ҳикояни бизга етказувчи бебаҳо ёдгорлик — Зараутсой қоя суратлари бугун ташландиқ ва қаровсиз экан. Кейинги борйўғи 50-60 йил орасида турли табиий таъсирлар оқибатида тошбитиклар ва сурат-ёзувларининг фақат учдан биригина сақланиб қолгани бизнинг ўтмишга бўлган бепарволигимизнинг аччиқ сабоғидир.

Шундай экан, «Зараутсой тақдирига бефарқ қарашимиз аждодларимиз меросига, тарихимизга хиёнат», деган кескин ва ҳаққоний фикрга қўшилмасликнинг иложи йўқ. Чунки, мақола муаллифи куюниб ёзганидек, «Зараутсой» ранг-тасвири сизу бизнинг лоқайдлигимиз сабабли кўриб-кўрмаган кўзимиз олдида ўчиб боришига сира йўл қўйиб бўлмайди».

Ўзлигимизни англашда, ёш авлоднинг миллий ифтихор туйғусини шакллантиришда ниҳоятда зарур бўладиган мана шундай маънавий-маърифий ва тарбиявий чиқишлар муҳимдир. Унда кўтарилган масалани тўлиқ қўллаб-қувватлаган ҳолда унга давлатимиз миқёсида аҳамият берилиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Зеро, Президентимиз айтганларидек, «Бешафқат давр синовларидан омон қолган энг қадимги тошёзувлар, битиклар... бизнинг беқиёс маънавий бойлигимиз, ифтихоримиздир».

Бизнингча, Зараутсой осори-атиқаларини муҳофаза этиш, ёдгорликни сақлаш ва таъмирлаш, атрофини ободонлаштириш, Зараутсой базасида илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни олиб бориш, Зараутсойни қайтадан санъат ва тарих қўриқхонасига айлантириш, музейлардан бирининг ихтиёрига бериш масаласи ҳам ўз ечимини кутиб турган долзарб мавзудир.

■ **Сайфулло ТУРСУНОВ, Термиз давлат университети ректори, Исмоил БОТИРОВ, Сурхондарё вилояти ўлкашунослик музейи директори**



**Нурота жунни қайта ишлаш кичик корхонаси яқингинада ишга тушишига қарамасдан туманда анча-мунча оғизга тушиб қолди. 36 тонна жунни қайта ишлашга мўлжалланган технология Россиядан келтирилган. Бу ерда чиқарилаётган маҳсулотлар гилам тўқиш корхоналарига етказиб берилмоқда.**



СУРАТЛАРДА: *ишчи Наргиза Қулманова ва кичик корхона цехида.*

■ **Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

# СОХТА ИМЗОНИНГ «ФОЙДА»СИ

**Самарқандлик фуқаро қалбаки ҳужжатлар билан ўз манфаатини ҳимоя қилмоқчи бўлди, лекин бу ноқонуний хатти-ҳаракати амалга ошмади.**

Акбар Анваров қирқ ёшдан ошди, Оқдарё туманида ўсди ва улғайди. Ҳаётнинг ўнқир-чўнқир йўлларидан югурди ва елди. Ўқиди ва уқди. Олий маълумотли мутахассис бўлди. Оила қурди. Фарзандларини тарбиялаш ва улғайтиришга киришди, лекин...

Долғали ҳаётнинг пуртана оқимига дош бера олмади. Турли баҳоналар қидириб бекорчиликни ўзига касб қилиб олди. Натижада...

У иш ахтариб серташвиш ва серғалва шаҳар ҳаётига кирди. Аввалига Самарқанд шаҳар, Семилетка (шаҳар ҳокимлиги бу «ажойиб» номни ўзгартиришга, аниқроғи ўзбекча ном қўйишга шошилмаётганлигига ҳайрон қоласиз ва ёқа ушлайсиз) кўчасидаги ҳовлилардан бирида яшовчи Олга Шишигина уйидан вақтинчалик яшаш учун қўним топди.

Акбар Олга хоним билан «чироқ ва пилиг» бўлгандан сўнг гапни бир жойга қўйди. Бири уйни сотмоқчи, иккинчиси эса олмоқчи бўлди. Ҳовлини сотиб олишга эса Акбарнинг қурби етмади. Бу орада Олга ҳовлини фуқаро Ўткир Турсуновга пуллади. Уйнинг янги эгаси ўз-ўзидан Акбарга янги бошпана топишни илтимос қилди. А. Анваров эса иссиқ жойни бўшатгиси келмади. Чиқавермагач, Ў. Турсунов қонуний йўлга ўтди.

Иш судгача етиб келди. Суд воқеага адолатли баҳо берди: А. Анваров уйни бўшатиб қўйиши керак. Туман суди 1998 йил 29 декабрда қарор ижросини тайинлаб, бу ҳақда Акбарбекка таклифнома берди.

Уйни ўзиники қилишдек хомхаёлликка берилган «қаҳрамонимиз» ҳам жим қилув қарорини тўхтатиш хати — сохта ҳужжатни тутқазди. Вақт эса тутқич бермай ўтаверди. У ижарада ҳақ тўламасдан яшайверди...

Ў. Турсунов ва О. Шишигиналарнинг ташвишлари ортгандан ортди. Югур-югур ва сарсон-саргардонлик авж олди. Бу орада Акбар судга тургани йўқ. Вилоят ва республика Олий судига мурожаат қилди. Ва нуфузли ташкилотлардан тегишли жавоб олди. Шунда унинг калласи «компьютер» бўлди. Туман судига 1998 йил 5 октябрь куни ёзилган ва вилоят суди раиси «имзо қўйган» шаҳар судининг ҳал Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси имзоси қўйилган «хат»ни ҳам топширди. «Ҳужжат»да, албатта унинг манфаати ўз ифодасини топганди. У ўзига йўлланган «хатлар»даги сўзларини кераклича ўзгартириб, нусха кўпайтирувчи аппаратдан чиқариб судга топширганди. Шу ўринда судлардаги ҳужжат ва иш юритувчи мутасадди кишиларнинг лоқайд ва бепарволигига «офарин» айтиш керак-ов...

Ҳовли можароси, аниқроғи сохта имзолар билан жиноий иш қилган А. Анваровнинг қилмиш-қидирмишларига Самарқанд шаҳар прокуратураси аралашди. Сир фош бўлди.

Темирйўл туман суди унга Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг тегишли моддасига асосан қилмишига яраша жазо берди.

■ **Ашурали ЖЎРАЕВ, Темирйўл тумани прокурори ёрдамчиси, Лутфулла МАМАСОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**



# КЎЗЛАРИМГА НУР ИСТАГАНДИМ

Ижодкор инсонга, айниқса, унинг ижоди китоб, қалам ва қоғоз билан боғлиқ бўлса, кўз нури қанчалик муҳимлиги сир эмас.

Ижодининг айни гуриллаган ёшида, айтмоқчи бўлган гапларни қоғозга туширишга қийналган Довудхон ака шифохонага бориб кўзларини текширтирди. Унча-мунча дардни дард демай енгиб юборадиган кекса шоир кўзга келганда ожизлик қилиб қолди. Турли-туман тавсия этилган дори-дармонлар, муолажалардан кейин ҳам яхши ўзгариш сезмади, аксинча аҳвол ёмонлаша борди. Ҳатто, Тошкентга ҳам бориб, учраб даволандилар. Сабр ва қаноатда дардига шифо сўраган шоирни Аллоҳ ноумид қўймади. Андижонда Ҳабибулло деган врач бор эмиш, деб тавсия қилишди. Ноумид шайтон, юрагида алланечук интилиш ва ёруғ дил билан шоир Андижонга отланди.

— Инсондаги гўзал сифатларни, самимиятни бир қарашда англаш қийин эмас, — дейди Довудхон ака. — Бир кўришдаёқ биринчи муолажани олгандай бўлдим. Яъни, биринчи муолажа бу — ишонч, ихлос эди. Ҳабибуллонинг юзидаги иссиқлик, сўзларидаги вазминлик ва меҳрибонлик кишига катта далда беради. Энди Ҳ. Абдуҳолиқов ҳақида икки оғиз тўхталсак. 1951 йил Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани, Нанай қишлоғида туғилган. 1974 йил Андижон тиббиёт институтини имтиёзли диплом билан тамомлади ва кўз касалликлари кафедрасида клиник ординатор қилиб қолдирилди. Россиянинг бир қанча институтларида, Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида, АҚШнинг «Орбис интернейшнл» фирмаси қошида малакасини оширди.

— Ҳабибулло билан беш-олти бор учрашиб жуда қадрдон бўлиб қолдик. У билан суҳбатлашар эканман, мен шундай нисбатлар қилгим келди унинг шаънига: Афлотун фикр, Луқмоний зикр, Синоий меҳр, назарий Хизр десам муболаға бўлмайди қизим, — деб эътироф этди Довудхон ака.

— Битта шифокорга шунча фидойилик, меҳрибонлик кўпмасми, сўрайди ундан шоир операциядан сўнг.

— Бизнинг ишимиз нозик ишдир. Бу соҳада бирор мақомга етишмоқ учун кишига ўзининг интилишидан ташқари элнинг дуосию ризолиги жуда муҳимдир. Бу йўлга фақат ўзининг манфаати учунгина кирган киши қаттиқ янглишади, адашади, — дейди врач.

Эшикма-эшик, шаҳарма-шаҳар кўзларига нур истаб оворалар бўлган ва охирида ўз шифокорини топган шоир кўзлари ҳар тонг тиниқ осмонни, табиат гўзаллигини, юзи иссиқ қадрдонларининг дийдорини кўриб қувонар экан, беихтиёр Аллоҳга шукрона келтириб ўз шифокорини алқайди, дуо қилади.

■ **ДИЛОРОМ**

## АНЖУМАН

Мустақил мамлакатимизни ривожлантириш, буюк келажагини таъминлаш малакали кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан боғлиқ. Кадрларнинг замонавий билим ва касбий кўникмалари бу мақсаднинг рўёбга чиқишида жуда асқотади.

Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институтида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда ўтказилган «Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашнинг долзарб масалалари» мавзуидаги республика илмий-амалий семинари кўп томонлама фойдали бўлди.

Семинарнинг ялпи мажлисида ва шўъба йиғилишларида кун тартибидаги масалалар юзасидан қатор маърузалар тингланиб, муҳокама этилди.

Нотиқлар кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашнинг долзарб масалалари хусусида фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар. Семинар қатнашчилари давра суҳбатларида иштирок этдилар. Илмий-амалий семинарда кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнидаги ютуқ ва муаммолар кенг таҳлил этилиб, келгусидаги вазифалар белгиланди.

■ **Аҳмадулло СОЛИЕВ**

## САҲНАДА «АВЕСТО» КИНОСИ

Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали театри жамоаси «Авесто»нинг 2700 йиллик юбилейига муносиб тухфа ҳозирлади. Саҳналаштирилган «Мангу машъал» номли спектаклнинг тақдимоти бўлиб ўтди. Йўлдош Муқимов асари, Баҳрулла Лутфуллаев мусиқаси асосида яратилган бу асарни иқтидорли режиссёр Рустам Маъдиев саҳналаштирди. Асарда эзгуликнинг ёвузлик устидан эришган ғалабаси ўзига хос талқин қилинган. Томошани кўрган мухлислару мутахассислар театрдан мамнун бўлиб чиқишди.

■ **Сулаймон ҲАЙДАРОВ**

## ФАН ЧЎҚҚИЛАРИ САРИ

Мактаб ўқувчиларининг бу йилги бўлиб ўтган олимпиадасида Қорақалпоғистон Республикасининг барча шаҳар ва туманларида ғолибликни қўлга киритган 764 нафар ўқувчи 20 фан бўйича қатнашди. Ўқувчилар биринчи навбатда гуманитар фанлардан, кейин эса аниқ фанлардан ўз билимларини синовдан ўтказдилар. Олимпиадада Нукус шаҳри 2-сон республика лицей-интернати, Элликқалъа, Тўрткўл, Хўжайли туманлари ўқувчилари яхши кўрсаткичларга эришдилар.

Олимпиада якунига кўра, ғолиб ҳисобланган 11-синф ўқувчилари республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

■ **Реймбой ЕШИМБЕТОВ**

## ЯНА БИР ДАВЛАТДА ТАҚИҚЛАНДИ

Қувайт ҳукумати Европа Иттифоқи давлатлари билан қорамол гўшти олди-сотдисини тақиқлаб қўйди. Барча озиқ-овқат дўконлари ва савдогарларга Европадан олиб келинган гўштларни йўқотиш ёки эгаларига қайтариб бериш буюрилди. Маълумотларга кўра, қувайтликлар ўтган йили ЕИ давлатларидан 1500 бош қорамол сотиб олган. Шунингдек, гўшт ва сут маҳсулотлари АҚШ, Австралия ҳамда Янги Зеландиядан ҳам харид қилинади.




## ТАШРИФ ҚОЛДИРИЛДИ

Покистон ташқи ишлар вазири Моинуддин Ҳайдарнинг Афғонистонга ташрифи яна бир ҳафтага қолдирилди. Расмий хабарларга кўра, бунга Кобулдаги ноқулай об-ҳаво сабаб бўлган. М.Ҳайдарнинг айтишича, «Толибон» ҳаракати билан бўладиган музокараларда террорчилик муаммоси, афғон ерларида яшириниб юрган покистонлик жиноятчиларни топшириш, транзит савдоси буйича келишув ва бошқа масалалар муҳокама қилиниши кутилаётир.

## ҚИНҒИРЛИКНИНГ КЎЧАСИ

Япония ташқи ишлар вазирлиги ходими Кацутоси Мацуо давлат маблағини ўзлаштирганликда айбланиб, ишдан ҳайдалди. Полиция унинг устидан жиноий иш қўзғаб, текширув олиб бормоқда. Маълум бўлишича, К.Мацуо давлат хазинасидан жами 560 миллион иен (120 иен 1 АҚШ долларига тенг) миқдорида пул ўзлаштирган. Ташқи ишлар вазири Иохэй Коно ушбу қинғир молиявий операцияларга йўл қўйиб берган 16 нафар ходим ҳам турли маъмурий жазога тортилишини айтди.

## АСР ОРЗУЛАРИ

*Инсониятни қашшоқликдан қутқариш БМТнинг янги асрдаги асосий вазифаларидан бирига айланмоғи лозим. Бош котиб Кофи Аннан ўз маърузасида шуни таъкидлади. Унинг фикрича, ривожланаётган ва бозор иқтисодиётига ўтиш даврини бошдан кечираётган давлатларнинг тараққий этиши кўп жиҳатдан ривожланган мамлакатларнинг молия-бюджет, валюта-кредит, савдо ва ички макроиқтисодий сиёсатига боғлиқ. Масалан, ривожланаётган давлатларнинг ўз маҳсулотларини четга экспорт қилиш имкониятлари кенгайтирилса, бу уларга тўғридан-тўғри молиявий ёрдам кўрсатгандан яхшироқ самара бериши мумкин.*

## РЕЗОЛЮЦИЯ ШАРТЛАРИНИ БАЖАРАДИ

Албания БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Косово бўйича 1244 резолюциясига тўла риоя қилади. Мамлакат ташқи ишлар вазири Паскал Мило Римга ташрифи чоғида шундай деди. У Италия ташқи ишлар вазири билан учрашиб, Албаниянинг қўшни давлатлар билан муносабати, шунингдек, Албания-Италия ҳамкорлиги билан боғлиқ масалалар, жумладан, наркотикларнинг ноқонуний савдоси, уюшган жиноятчиликка қарши биргаликда курашиш тўғрисида фикрлашиб олди.

## ИККИ АВТОБУС ТЎҚНАШУВИ

Суданда икки йўловчи автобус Нил дарёсидан ўтган Шамбат кўпригида ҳалокатга учради. Уларнинг бири дарёга қулади. Бунинг оқибатида йигирмадан ортиқ одам ҳалок бўлди. Йўловчилардан фақат беш киши омон қолган, холос. Қутқарувчилар дарёдан ҳозирча 11 аёл, 8 эркак ва тўрт нафар боланинг жасадини чиқариб олди.

## ҚАЛБАКИЛАШТИРИШ КУЧАЙМОҚДА

Хитойда миллий валюта — юанни қалбакилаштириш кучайиб бормоқда. Айниқса, Фуцзян вилоятида қалбаки пуллар кўп учрамоқда. Маҳаллий полициячиларнинг айтишича, ўтган йилнинг ўзида 2 миллион юанга яқин шунақа банкнот мусодара қилинган. Шундай жиноят билан қўлга тушган юзга яқин киши узоқ муддатли қамоқ жазосига ҳукм қилинган.



ИНДОНЕЗИЯ...

## ИНТЕРНЕТДА САВДО-СОТИҚ

*Японияда Интернет тармоғи орқали амалга оширилаётган савдо операциялари тобора ривожланмоқда. Мамлакатнинг иқтисодиёт ва саноат вазирлиги тахминига кўра, 2005 йилга бориб бу соҳадаги савдо айланмаси 2000 йилгига қараганда 5,5 баробар ошиб, 124 триллион иенни ташкил қилиши мумкин.*



...ТАБИАТИ

## ПАРЛАМЕНТ ҚАРОРИ ҲАЛ ҚИЛАДИ

Индонезия Президенти Абдураҳмон Воҳид ноқонуний молиявий операцияларга мутлақо алоқаси йўқлигини айтди. Яқинда мамлакат парламентининг махсус комиссияси давлатга тегишли жамғармалардан 6 миллион АҚШ доллари ўзлаштирилиши юзасидан ўтказилган текширувлар тўғрисидаги маърузани халқ вакиллари кенгаши ҳукмига ҳавола қилган эди. Унда ушбу жиноятга президент алоқадорлиги қайд этилган. Шу ҳафта ичида парламент якунловчи қарор чиқариши керак.

## ПОРАХЎРЛИККА ҚАРШИ КУРАШ

Мексика ҳукумати божхона тизимида йўл қўйилаётган порахўрликларга қарши кескин кураш бошлади. Жорий йилнинг бошидан буён марказий идорадаги 47 раҳбар ходимнинг 43 нафари ишдан бўшатилди. Божхона бош бошқармаси раҳбари Хосе Гусман яқин кунларда қолган раҳбарлар ҳам ишдан бўшатилади, деди. Унинг таъкидлашича, божхона тизимида порахўрлик даражаси ташвишли тус олган. Айни пайтда нафақат раҳбар ходимлар, балки тизимнинг қуйи бўғинида хизмат қилувчи ходимларни ҳам янгилаш жараёни кечмоқда.

## ШАҲАРНИ ЭГАЛЛАШДИ

Сомали жанубида қуролланган гуруҳлар Гарбахаррей шаҳрини ишғол қилди. Мамлакат ҳукумати бундай босқинчилик Миллий фронт фракцияси томонидан уюштирилгани ва жангариларни қурол-яроғ билан Эфиопия таъминлаганини айтмоқда.

Эфиопия ҳукумати эса бу баёнотни кескин рад этди. Ўзини ҳукуматга мухолиф ҳисоблайдиган жангари гуруҳлар мамлакат ичида Сомалиленд ва Пунтлендга ўхшаган бошқа кичик давлатлар қуришга интилмоқда. Ҳукумат назорати остидаги ҳудудлар борган сари қисқариб бораётир.

## ИҚТИСОДИЙ ЖАЗО ОҚИБАТЛАРИ

Ироққа нисбатан ўн йилдан буён давом этаётган халқаро иқтисодий жазо оқибатида бир ярим миллион киши ҳаётдан кўз юмди. Уларнинг аксарияти болалардир. Ироқ ҳукуматининг БМТ Бош котибига йўллаган ҳисоботида шундай дейилади. Мазкур ҳужжат БМТнинг болалар жамғармаси маълумотларига таянган ҳолда тайёрланган.

Болалар ўлимининг кўпайишига асосан сувнинг ифлосланиши, сифатли озиқ-овқат, дори-дармон ва даволаниш марказларининг етишмаслиги сабаб бўлмоқда.

## КОНСОРЦИУМ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Япония дунё дори-дармон ишлаб чиқариш саноати тарихида мисли кўрилмаган лойиҳа устида иш бошлади. Мамлакатдаги қирқдан ортиқ дори-дармон ишлаб чиқарувчи фирма илмий-тадқиқот билан шуғулланувчи консорциум ташкил этди. У якка тартибдаги буюртмалар асосида ишлайди. Тадқиқотчилар генетикага оид маълумот тўплаш учун минглаб кўнгиллиларнинг ДНК молекулаларини йиғиб олади ва алоҳида тартибда ўрганиб чиқиб, хромосомалар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлайди. Шундан сўнг алоҳида мижоз танасидаги генларга мос тарзда дори-дармон тайёрланади.

АДАБИЁТ ОЛАМИДА

## ЎЗИГА ХОС АВЛОДНИНГ ВАКИЛИ

**XX аср ўзбек адабиётида сўзни қадрлаши, уни нозик ўйлаши билан қадр топган шоир, ёзувчи кўп бўлди. Лекин XX аср ўзбек адабиётидаги ижодкорлар авлоди орасида бир гуруҳ борки, уларнинг асарлари одамларга, ҳаётга аввалгилардан кўра ҳаққоний таъриф бериши билан алоҳида ажралиб туради. Мурод Муҳаммад Дўст, Эркин Аъзам, Хайриддин Султон, Тоғай Мурод каби адиблар, Усмон Азим, Шавкат Раҳмон, Хуршид Даврон, Азим Суюн каби шоирлар ўз асарлари билан «ҳаёт — бошқа, китоб — бошқа деган тушунчага «таҳрир» киритишди. Турмушнинг айни ўзидай, одамни одамдай кўрсатишга интилган сафлари зич бу авлод орасида Нодир Нормат асарлари ҳам муайян ўрин тутади.**



**Ижодкор қаҳрамонлари кўп жиҳатдан унинг ўзига ўхшаш бўлиши эса табиий. Чунки ҳар бир ижодкор қаҳрамони орқали аввало ўзини кўрсатади. Нодир Нормат ҳам кўпроқ ўзини ёзади. Унинг «Жардан қушлар учди» каби ҳикоялари, «Бисот», «Исмоил тоғанинг тарозиси», «Дарахт тагидаги одам», «Муқаддас балиқлар эгаси» қиссалари, «Баригал» романидаги қаҳрамонлар шундай дейишга тўла асос беради. Уларнинг ҳаммаси худди яратувчиси каби босиқ, беозор. Ҳеч ким билан талашиб-тортишмайди. Ноҳақликка дуч келишганида ҳам вазминлик қилишади.**

**«Баригал» — хоразмча қўшиқнинг номи. Лекин Нодир Нормат шундай номланган романида Сурхон одамлари кўнглига ҳам «Баригал» чуқур ўрнашганига, Сурхону Хоразм, Тошкенту Фарғона — бир юрт эканига, бу юртнинг одамлари бир эл эканига ишора қилади. Бу эл кишиларини тарих, адабиётгина эмас, ҳатто, қўшиқлар ҳам бирлаштириб туришини хаёлда жонлантиради.**

**«Баригал»да анъанавий асарларга ўхшаш жиҳатлар янгича услуб, яъни модерн асарларига хос унсурлар билан ўзаро уйғунлашиб кетган. Бу роман аввало деталларга, тафсилотларга тўлалиги билан ўзига хослик касб этади. Маълумки, ҳар бир асарнинг ўзига хос чўққилари бўлади. Улар ўзига хос йўллар билан романнинг асосий қаҳрамонлари Умар, Малика ҳаётига келиб туташади. Шунингдек, Ўзбекистоннинг олис кишилари қисмати билан боғланиб кетади. Афғонистонда юз берган ҳодиса узоқ йиллар ўтгач, Сурхоннинг овлоқ қишлоғида яшовчи табиб хонадонида ойдинлашади — икки нотаниш бир-бирининг халоскори бўлиб чиқади. Адиб бу билан рўйи заминдаги барча одамлар дини, эътиқоди, тилидан қатъи назар, бир-бирига қайсидир ришталар орқали тақдирдош эканлигига ишора қилади. Романда «Бобур кўзгуси» деб номланган хаёлий-мажозий ҳикоя берилган. Ана шу ҳикоя «Баригал»нинг авж нуқтаси деса бўлади. Роман сюжетидаги барча воқеалар ана шу нуқтага келиб туташади. Тўғри, «Баригал»да деталлар, тафсилотларнинг кўплиги, улар аксари ўринларда баён қилиниб кетавергани унчалик ўрнига тушмаган. Романнинг бу каби камчилик, қусурлари, шунингдек, ўзига хос ютуқлари бор. Бироқ «Шарқ юлдузи»дами ёки бошқа бирор журналдами босилмагани учун «Баригал»дан адабий жамоатчилик бехабар қолди. Катта адабиётшунос, мунаққидлар ушбу роман хусусида бирор нима дейишмади. «Бугунги адабий жараёнда яратилаётган романлар, аксарият ҳолларда, таҳлил қилинмай, ютуқ ва камчиликлар эътироф этилмай қолаётгани сир эмас... Адабий ҳаётни изчил кузатиб, чиқиб турган романларни вақтида ўқиб, фаол муносабатини билдирадиган адабиётшунослар, танқидчилар сафи тобора сийраклашиб бораётгандай...» деб ёзади «ЎзАС» таҳририяти газетанинг 2000 йил 8 декабрь сонида. Бундай безовталаниш жуда ўринли эканлигини «Баригал» қисмати ҳам кўрсатиб турибди. Ушбу роман 91-йилда «Камалак» нашриётида босилиб чиққан эди. Демак, бугун «ЎзАС» таҳририятини ташвишлантираётган «касаллик» ўша даврдаёқ бошланган экан.**

**Нодир Нормат мансуб авлод ижодкорлари аввалгилар сингари қатор-қатор роман ёзмади. «Ғалатепага қайтиш», «Лолазор» (Мурод Муҳаммад Дўст), «Отамдан қолган далалар» (Тоғай Мурод), Асад Дилмуроднинг романи, кейин «Баригал» — ҳаммаси шу, шекилли. Ҳа, Хайриддин Султоннинг «Бобурийнома»си, яна Хуршид Дўстмуҳаммаднинг яқинда эълон қилинган «Бозор» романи ҳам бор. Бу Мурод Муҳаммад Дўсту Эркин Аъзамлар авлоди асарлари сон жиҳатидан кўп эмаслигини билдиради. Аммо улар яратган роман, қисса, ҳикоялар ўзига хослиги, ҳаётийлиги билан XX аср ўзбек адабиётида муносиб ўрин тутадики, буни инкор этиб бўлмайди.**

**Табиатни, айниқса, ундаги рангларни ғоят яхши кўргани учун бўлса керак, мусаввир, санъатшунослар даврасига яқин бўлди. Машҳур рассом Рўзи Чориев ҳаёти, ижоди тўғрисида китоб яратди. «Камалак яшайдиган уй» деб номланган бу ўзига хос бадиий-маърифий қисса санъатшунослар эътиборини тортди. Бўлғуси мусаввир талабалар қизиқиш билан ўқийдиган асарга айланди. Чунки «Камалак яшайдиган уй»да ранглар жозибаси, уларнинг сир-хусусиятлари ҳақида сўз юритилган.**

**Маълумки, серҳаракат, бир жойда тинч туролмайдиган, табиатан ўт-олов тоифали одамлар бетоқат бўлишади. Шунинг учун улар эринмасдан кузатишолмайди. Нодир ака кузатишга асло эринмайди. У ғоят ҳафсалалилиги, синчковлиги туфайли халқ табобатининг ҳам анча-мунча сирини билади. Шу важдан унинг нақ ярим аср яшаб қўйганига, дунёнинг кўп пасту баландларидан ўтиб, янги минг йилликни қарши олганига кишининг ишонгиси келмайди.**

■ **Абдулла УЛУҒОВ**


# «ЧОРСУ БУЮМ БОЗОРИ»

**2001 йил 5 март куни соат 11.00да Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Зарқайнар кўчаси, «Чорсу буюм бозори» очиқ акциядорлик жамиятининг маъмурий биносида акциядорларнинг навбатдаги умумий мажлиси ўтказилади.**

**КУН ТАРТИБИ:**

1. «Чорсу буюм бозори» очиқ акциядорлик жамиятининг 2000 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан жамият бошқаруви раисининг ҳисоботи.
2. Жамиятнинг 2000 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан Аудиторлик хулосасини тасдиқлаш.
3. 2000 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.
4. 2000 йил молиявий ва хўжалик ҳисоботи якуни бўйича даромадларни тақсимлаш ва дивидендлар миқдори ҳамда уни бериш тартибини тасдиқлаш.
5. 2001 йилга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.
6. 2001 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш.
7. Тафтиш комиссиясининг таркибини тасдиқлаш.
8. Кузатув кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш ҳақида.

**«Чорсу буюм бозори» очиқ акциядорлик жамиятининг 2000 йилги баланси (минг сўм)**

| АКТИВ | | ПАССИВ | |
|---|---|---|---|
| Бошланғич қиймати — | 241133 | Устав капитали — 215000 | |
| Эскириш — | 22045 | Қўшилган капитал — 11443 | |
| Қолдиқ қиймати — | 219088 | Тақсимланмаган фойда — 65295 | |
| Номоддий активлар — | 87 | | |
| Капитал қўйилмалар — | 46035 | Мақсадли тушумлар — 33030 | |
| Ишлаб чиқариш заҳиралари — | 1286 | Узоқ муддатли кредитлар — 47922 | |
| Тугалланмаган ишлаб чиқариш — | 11667 | Мол етказиб берувчилар — 3407 | |
| Олиб сотилган товарлар — | 449 | Бюджет бўйича қарзлар — 15902 | |
| Келгуси давр сарфлари — | 43744 | Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар — 973 | |
| Пул маблағи — | 47657 | Ижтимоий суғурта ва таъминот бўйича қарзлар — 693 | |
| Дебиторлар — | 9500 | Нобюджет ташкилотларга қарзлар — 623 | |
| Бўнак тўловлари — | 701 | Юқори ташкилотга қарзлар — 196 | |
| Таъсисчилар билан ҳисоблашишлар — | 14277 | Бошқа кредиторлар — | |
| **Жами —** | **394491** | **Жами —** | **394491** |

***2001 йил 2 февралда акциядорлар реестри тузилди ва ёпиқ деб эълон қилинди.***

***Акциядорларни рўйхатга олиш 5 март куни соат 9.00дан бошланади.***

***Акциядорларни рўйхатга олиш манзилгоҳи: Шайхонтоҳур тумани, Зарқайнар кўчаси, «Чорсу буюм бозори» ОАЖ маъмурий биносида.***

***Мажлисга тайёрланган ҳужжатлар билан бозор идорасида 2001 йил 23 февралдан бошлаб танишиш мумкин.***

**«ЧОРСУ БУЮМ БОЗОРИ» ОАЖ КУЗАТУВ КЕНГАШИ**



# ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИ

**вилоятда 2001 йилда қуриладиган иншоотлар учун**

**ҚЎШИМЧА ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**Пудрат ташкилотларини мулкчилик шаклидан қатъи назар қуйидаги иншоотлар бўйича танлов савдосида қатнашишга таклиф қилади:**

| № | Объект номи | Қуввати | Топширилиш муддати |
|---|---|---|---|
| | **Янгидан қуриладиган қишлоқ врачлик пунктлари** | | |
| 1 | Баҳористон тумани А. Темур ж. хўжалигида | 50 кат. | 25 август 2001 |
| 2 | Яккабоғ тумани «Ҳақиқат» ж. хўжалигида | 50 кат. | 25 август 2001 |
| 3 | Шаҳрисабз тумани Кул қишлоғида | 50 кат. | 25 август 2001 |
| 4 | Китоб тумани Деновбола қўрғонида | 50 кат. | 25 август 2001 |
| | **Мактаблар** | | |
| 1 | Шаҳрисабз тумани Ғилон қишлоғида | 420 ўрин | 25 август 2001 |
| 2 | Касби тумани Майманоқ қишлоғида | 624 ўрин | 25 август 2001 |
| 3 | Китоб тумани Улуғбек ж.х. Лоҳутий номли мактабга қўшимча бино | 120 ўрин | 25 август 2001 |
| 4 | Китоб тумани Улуғбек ж.х. С. Шерозий номли мактабга қўшимча бино | 120 ўрин | 25 август 2001 |
| 5 | Шаҳрисабз тумани Оқдарё хўжалиги Чунгурак қўрғонидаги мактаб | 320 ўрин | 25 август 2001 |
| 6 | Қарши шаҳар «Отчопар» маҳалласида мактаб қурилиши | 624 ўрин | |
| | **Ҳар хил соҳа иншоотлари** | | |
| 1 | Қарши шаҳар Мурувват уйини қайта таъмирлаш | 300 | 2001 й ноябрь |
| 2 | Вилоят ҳокимлиги резиденция муҳандислик тармоқларини таъмирлаш | Иншоот | 2001 й IV-чорак |
| 3 | Яккабоғ туман прокуратура маъмурий биноси қурилиши | Иншоот | 2002 й II-чорак |
| 4 | У. Юсупов туман Давлат солиқ инспекцияси маъмурий биноси | 35 ўрин | 2001 й IV-чорак |

Ушбу иншоотлар вилоят ҳокимлиги капитал қурилиш бошқармасига ажратилган бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танловда қатнашиш истагини билдирувчи қурилиш ташкилотлари қуйидаги шартларга мос келиши зарур:

Касбий ва техник малака кўрсаткичлари, молия маблағи билан таъминланган ва қулай шароитларга эга бўлиши, техник имкониятларга ҳамда буюртмачи билан шартнома тузиш учун ҳуқуқий ваколатга эга бўлишлари талаб этилади.

Бир комплект тендер ҳужжатлари нархи КВПлар учун — 15000 сўм, бошқа иншоотлар учун — 20000 сўм.

ОфертаЛар савдо ташкилотчиси томонидан 2001 йил 23 февраль соат 18.00 гача қабул қилинади.

Оферталарни очиш ва танлов ўтказиш 2001 йил 21 февраль соат 10.00 да ҳокимлик капитал қурилиш бошқармаси биносида бошланади.

Савдода қатнашиш истагини билдирган ташкилотлар тендер ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисига: Қашқадарё вилояти пудрат савдоларини ташкил этиш бошқармасига мурожаат этишлари мумкин.

**МАНЗИЛ:** Қарши шаҳри, Хонобод шоссеси, 5-уй. «Нефтегазсаноатқурилиш» трести биноси, 4-қават.
**Тел/факс: (8-37522) 4-46-37.**

